

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Бандихон туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида, туман судининг раиси О.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Бозоровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бандихон туман прокурорининг ўринбосари М.Турдимуродов, жабрланувчи Б.Хайитмуродов ва Р.Кабилова, судланувчи Ф.Шодиев ва унинг ҳимоячиси адвокат Т.Қоробоевларнинг иштирокида, судланувчи Ф.Шодиевга оид 1-1915-2601/1-сонли жиноят иши кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Шодиев Фаёзиддин Шойим ўғли /Shodiyev Fayoziddin Shoyim o'g'li/ - 1997 йил 2 май куни Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Учқудуқ туман судининг 2023 йил 1 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 4 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг 2024 йил 6 июндаги ажримига кўра ўталмай қолган 5 ой 10 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Навбахор туман судининг 2024 йил 9 октябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60 ва 62-моддаларига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2025 йил 14 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 169-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми, 60 ва 62-моддаларига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;



4) жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман судининг 2025 йил 28 августдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 60, 61-моддаларига асосан 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг 2025 йил 7 октябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаларига асосан 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

6) жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2026 йил 6 январдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 5 йил 4 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган,

7) жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2026 йил 7 январдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 5 йил 5 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

8) жиноят ишлари бўйича Пахтачи туман судининг 2026 йил 16 январдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 5 йил 7 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

9) жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2026 йил 29 январдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

10) жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 2026 йил 2 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси



3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 6 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Полвонота маҳалласи, Полвонота кўчаси, 3-уйда яшаган, ушбу иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,г” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ф.Шодиев хавфли рецидивист бўла туриб, 2025 йил 12 март куни ўзига олдиндан нотаниш бўлган Ангор тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи Б.Хайитмуродов билан “Телеграм” мессенджери орқали танишиб қолиб, унга “Пикабур” номли ер қазилар учун мўлжалланган ускунасини 1.000.000 сўмга сотишини айтиб, уни алдаб, ишончига кириб, ундан 1.000.000 сўм пул маблағларини отаси Ш.Тўхтаевга тегишли рақами 9860 1666 0311 0353 бўлган банк пластик картасига ташлатиб олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, Ф.Шодиев ўзининг юқорида содир этган жиноий ҳаракати учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, такроран қасддан жиноят содир этиш йўлига кириб, хавфли рецидивист бўла туриб, 2025 йил 5 май куни ўзига олдиндан нотаниш бўлган Денов тумани “Янгиқишлоқ” маҳалласида яшовчи Р.Кабилова билан “Телеграм” мессенджери орқали танишиб қолиб, унга яшаш хонадонидан қудуқ қазиб беришни айтиб алдаб, уни ишончига кириб, ундан 1.200.000 сўм миқдоридан пул маблағларини онаси О.Тўхтаевага тегишли рақами 9860 1666 0393 6518 бўлган пластик картасига ташлатиб, олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи Ф.Шодиев судда, айбига иқрор бўлиб, “Самсунг А 52” русумли уяли телефон аппаратида фойдаланиб, “Телеграм” мессенджери орқали “Буравойчилар” номли телеграм профилини очиб, 2025 йил март ойида Ангор туманида яшовчи Б.Хайитмуродов билан “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали танишиб қолиб, унга “Пикабур” номли ускунасини сотишини айтиб, аслида ўзида мавжуд бўлмаган “Пикабур” номли ускунани 1.000.000 сўмга сотишга келишиб, мазкур шахсдан келишилган пул маблағларини отаси Ш.Тўхтаевга тегишли бўлган банк пластик картасига ташлатиб олиб, пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, бундан ташқари, 2025 йил май ойида Денов туманида яшовчи



Р.Қобиллованинг укаси билан “Телеграм” месенджери орқали гаплашиб қолиб, Р.Қобиллованинг яшаш хонадонида қудуқ қазиб беришини айтиб мазкур қудуқни қазиб бериш учун 1.200.000 сўм пул маблағларига келишиб, ўтказиб берилган 1.200.000 сўмни онаси О.Тўхтаевага тегишли бўлган банк пластик картасига ташлатиб олиб, ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, имконият ва вақт берилса етказилган зарарни ота-онаси тўлаб бериши ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Б.Хайитмуродов судда, “Телеграм” месенджери орқали сўроқ қилинганда, ўзи бурғулаш ва аҳолига сув чиқариш учун артизанлар қазиб ишлари билан шуғулланиб келиши, 2025 йил 12 март куни ўзига тегишли бўлган телефони орқали “Телеграм” месенджердаги “Буравойчилар” гуруҳига кириб, “Пикабур” номли қазиб учун мўлжалланган ускунаси кераклигини ёзганида ўзига нотаниш бўлган кейинчалик билишича Ф.Шодиев ўзида борлигини ёзиб “Пикабур” ускунасини расмини гуруҳга ташлаганлиги, ўзи расмни кўриб маъқул бўлганлиги сабабли унга унга тўрт дона “Пикабур” кераклигини ёзганлиги, у билан 1.000.000 сўмга келишганликлари, шундан кейин у ўзига Ш.Тўхтаевга тегишли бўлган банк пластик картаси рақамини ташлаганлиги, ўзи 2025 йил 12 мартда у картага банкомат орқали келишилган 1.000.000 сўмни ўтказиб берганлиги, бироқ Ф.Шодиев ўзини алдаб, “Пикабур”ни етказиб бермаганлиги ва пулини ҳам қайтариб бермасдан телефонини блоклаб қўйганлиги, ҳозирги вақтда ўзига етказилган зарар қопланмаганлиги, ўзига етказилган зарарни ундириб, судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Р.Кабилова судда, “Телеграм” месенджери орқали сўроқ қилинганда, ўз уйида қудуқ қавлатиш учун укасидан тегишли мутахассис топиб беришни илтимос қилганлиги, укаси ўзининг илтимосига кўра 2025 йил 5 май куни “Телеграм” месенджери орқали “Буравойчилар” гуруҳидаги 90-620-91-95 рақами ёзилган бурғулаш техникаси борлиги кўрсатилган шахс билан кейин билишича Ф.Шодиев гаплашганда, Ф.Шодиев дастлаб 1.200.000 сўм эвазига қудуқ қазиб беришини билдириб, тўлов қилингандан кейин ишга киришишини айтганлиги, тўлоқ учун 9860 1666 0393 6518 рақамли О.Тухтаеванинг номига расмийлаштирилган банк пластик картаси рақамини ташлаб берганлиги, ўзи унга ишониб, ушбу картага танишининг картасидан 1.200.000 сўмни ўтказиб берганлиги, Ф.Шодиев уй манзилини аниқлаш учун локация ташлашни сўраганлиги, ўзи яшаш манзили кўрсатилган локацияни ташлаб берганлиги, орадан бир-неча кун ўтгандан сўнг Ф.Шодиев яна 800.000 сўм ўтказгандан кейин боришини айтганлиги, ўзи унинг гапларига ишонмасдан 102 рақамга кўнғироқ қилганлиги, ўзига етказилган зарар қопланмаганлиги, ўзига етказилган зарарни ундириб, судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Ф.Шодиевни айби, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, жиноят ишидаги аризалар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.



Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Шодиевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлсада, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” банди ортиқча квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2023 йил 23 июндаги 17-сон Қарорининг 22-бандида берилган тушунтиришларга кўра, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси учинчи қисми “г” банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари, алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилади. Бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимида ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин.

Ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимида кириб ёки ундан фойдаланиб содир этилган ўғирлик жиноятдан фарқлашда шуни назарда тутиш лозимки, фирибгарликда жабрланувчи алдов ёки ишончи суистеъмол қилиниши оқибатида мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни ахборот технологияларидан фойдаланиб айбдор эгаллигига ихтиёрий равишда ўтказди, бунда мулк ўз эгаллигидан чиқиб кетаётганлигини жабрланувчи англаган бўлиши керак.

Агар шахс компьютер техникаси ёрдамида қалбаки ҳужжат тайёрлаб, сўнгра ундан мулкни қўлга киритиш учун фойдаланган бўлса, қилмишни ЖК 168-моддаси учинчи қисми «г» банди билан квалификация қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, ахборот тизими деганда ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари тушунилади.

Ишда тўпланган ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи банклар томонидан бериладиган пластик карта ҳисобидан нақд пулларни ечиб олишга мўлжалланган банкоматлардан барча эркин фойдаланиши мумкин бўлиб, бунинг учун бирор-бир рухсат, бирор-бир ахборот тизимида кириш ёки ундан фойдаланиш талаб қилинмайди. Банк банкоматларининг ўзи ахборот тизими ҳисобланмайди.

Судланувчи Ф.Шодиев фирибгарлик жиноятини содир этиши учун жабрланувчиларни алдаб ўзи айтган картага уларнинг эрklarини янглиштириб, пулни ўтказиш олиши лозим бўлган ва ушбу ҳаракат жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Ушбу ҳаракатни амалга оширган, яъни жабрланувчи судланувчи айтган картага пул ўтказган



вақтида судланувчи ахборот тизимида бирор-бир манипуляцион ҳаракатлар амалга оширмаган ёки компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан компьютер тизимида ёлғон ахборот киритмаган.

Суд, юқоридаги ҳолатларга кўра дастлабки тергов органининг хулосаси билан келишмайди ва судланувчи Ф.Шодиевнинг ҳаракатларидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” бандини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ



даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 37-бандида, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи Ф.Шодиевга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланмаганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини, жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсадини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни ҳамда ишнинг бошқа оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини инобатга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум этмаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 2026 йил 2 февралдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни, жазони ўташ муддатини 2025 йил 28 августдан бошлаб ҳисоблашни, Ф.Шодиевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ҳамда аввалги ҳукм билан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни, у бошқа жиноят иши бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганлиги инобатга олишни, ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Ф.Шодиевдан жабрланувчи Б.Хайитмуродов фойдасига 1.000.000 сўм, жабрланувчи Р.Кабилова фойдасига 1.2000.000 сўм миқдоридаги моддий зарар ундиришни, ашёвий далил тариқасида олинган Ф.Шодиевга тегишли “Samsung A52” маркали телефон апаратини давлат эгаллигига ўтказишни, жабрланувчиларга судланувчининг жиноий қилмишлари натижасида етказилган моддий ёки маънавий зарарларни ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Шодиев Фаёзиддин Шойим ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир



этганликда айбдор деб топилсин.

Шодиев Фаёзиддин Шойим ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Шодиев Фаёзиддин Шойим ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 2026 йил 2 февралдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 6 (олти) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 28 августдан бошлаб ҳисоблансин.

Шодиев Фаёзиддин Шойим ўғлига нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ҳамда аввалги ҳукм билан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Шодиев Фаёзиддин Шойим ўғли бошқа жиноят иши бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Шодиев Фаёзиддин Шойим ўғлигадан жабрланувчи Хайитмуродов Бобомурод Панжиевич фойдасига 1.000.000 сўм, жабрланувчи Кабилова Раъно Дустмаматовна фойдасига 1.2000.000 сўм миқдоридаги моддий зарар ундирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган Шодиев Фаёзиддин Шойим ўғлига тегишли “Sumsung A52” маркали телефон аппарати давлат эгалигига ўтказилсин.

Жабрланувчиларга судланувчининг жиноий қилмишлари натижасида етказилган моддий ёки маънавий зарарларни ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳамда жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

О.Каримов

